


Туркистон Тонги

www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Қирғизистонда “Азимжон Аскарров”га қаршилик қилинмоқда

Қирғизистонда ўтаётган “Бир дунё-Қирғизистон” инсон ҳуқуқлари кинофестивалида Ўш қирғинида айбланиб умрбод қамалган ўзбек миллатига мансуб ҳуқуқ фаоли Азимжон Аскарров ҳақида филм намоиш этилиши айрим сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари мавзусида суратга олинган ҳужжатли филмларнинг “Бир дунё-Қирғизистон” фестивали Бишкекда 18 сентябр куни бошланди. Фестивал доирасида намоиш этиладиган ҳужжатли филмлар орасида “Азимжон Аскарров” деб номланган филм ҳам бор.

Қирғизистонлик таниқли жамоат арбоблари Жолбўрс Жўрўбеков ва Бўлўт Тўктўбаев Азимжон Аскарров тўғрисидаги ҳужжатли филмнинг намоиш этилиши мамлакатда миллатларо муносабатларга путур етказишини иддао қилмоқда.

Бу икки арбоб Бишкекда махсус матбуот анжумани уюштириб, Азимжон Аскарров тўғрисидаги филм сиёсий йўналишда суратга олингани ва Ўш қирғинидан кейинги уч йил ичида барқарорлаша бошлаган вазиятни яна издан чиқариши мумкинлигини билдирди.

- Қирғизистонда миллатларо ишонч масаласи ҳали ҳам долзарб бўлиб турибди. Шундай бир пайтда бу филмнинг намоиш этилиши нотўғри бўлади. Чунки ҳужжатли филмда Қирғизистон давлатининг ҳуқуқий асоси очор экани тўғрисида сиёсий қарашлар мавжуд, - деди Жолбўрс Жўрўбеков. Бироқ кинофестивал ташкилотчилари қирғиз сиёсатчиларининг бу каби иддаоларини асосиз деб ҳисоблайдилар. Фестивал ташкилотчиси Тўлайкан Исмоиловнинг айтишича, филмда гап миллатларо низо тўғрисида эмас, инсон тақдири ҳақида бормоқда.

-Биринчидан, филмда инсон тақдири ҳақида гап бормоқда. Система, тергов, суд адолатли бўлдики ёки адолатсиз бўлдики деган масала кўтарилмоқда. Бу ерда гап ўзбеклар ёки қирғизлар ҳақида эмас, адолат ҳақида бормоқда, - деди Тўлайкан Исмоилова.

“Азимжон Аскарров” деб номланган 15 дақиқалик ҳужжатли филм “



Ҳибсдаги Азимжон Аскарров

Фридом Хаус” халқаро ташкилоти томонидан суратга олинган ва кинофестивал доирасида 21 сентябр куни намоиш этилиши керак.

Ўзбек миллатига мансуб ҳуқуқ фаоли Азимжон Аскарров 2010 йилда Бозоркўрғон туманидаги тартибсизликларни уюштирганликда ва милиция ходимини ўлдирганликда айбланиб умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. У ўзига билдирилган айбловларни тан олган эмас. Халқаро ташкилотлар Азимжон Аскарров иши сиёсийлаштирилгани ҳамда сохталаштирилганига ишонилишини билдирган.

Ню-Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро маркази, Freedom House, Amnesty International каби кўплаб халқаро ташкилотлар Қирғизистон ҳукуматидан Азимжон Аскарров ишини қайта кўриб чиқиш ҳамда уни қамоқдан озод қилишни талаб қилиб келади. Азимжон Аскарров масаласини Қирғизистон раҳбарлари билан учрашувлари чоғида Германия канцлери Ангела Меркел ва Европа Иттифоқи расмийлари ҳам кўтарган.

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев эса ўтган йили Азимжон Аскарровни оқлаш учун ҳеч қандай сабаблар мавжуд эмаслиги тўғрисида баёнот берган эди...

Элмурод

Фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз...

Маълумки, ўтган асрнинг 90 йилларида ўзбек ва қозоқ халқларининг вакиллари Тошкентда Туркистон халқ ҳаракатига асос солишганди. Таъсисчиларнинг орасида ўша даврда Тошкентда яшаётган қозоқ йигити Сейтбой Байдуллаев ҳам бор эди. Кейинчалик икки халқ вакиллари бўлган Сейтбой Байдуллаев ва Ботир Норбой қозоқ ва ўзбек тилларида чиқадиغان “Туркистон тонги” («Turkistan tani») газеталаримизга асос солишди.

2013 йилнинг 14-15 сентябрида Туркиянинг Афйонқораҳисор шаҳрида Бутундунё туркийларининг 3-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойни Истамбулнинг мана-ман деган туркчилари олиб боришди. Бу анжуманда, Сурия, Ироқ, Шарқий Туркистон, Эрон Озарбайжони ва Гагауздан келган туркчилар ҳам қатнашиб ўз муаммолари билан ўртоқлашдилар.

Бу буюк Қурултойга газетамизнинг муассисларидан бири Ботир Норбойни ҳам таклиф қилишди ва у ўз маърузаси билан қатнашди.

Б. Норбой ушбу маърузада 21 йил ичида бўлиб ўтган можоролар ҳақида сўзларкан, объектив бўлишга, воқеаларни ҳалол ёритишга интилан. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрганларнинг ҳамда Боймирза Ҳайит, Игор Савин каби олимларнинг фикрларига таянган, кинорежиссёр Абдулазиз Маҳмуднинг тарихий-ҳужжатли фильмларида акс эттирилган воқеалардан мисоллар келтирган.

Маъруза мазмунидан, Б. Норбойнинг асосий мақсади воқеаларни шарҳлаш эмас, туркий бирликка эришиш йўллариини ўрганиш эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам биз Ботир Норбойнинг “Бутундунё туркийларининг 3 қурултойи”да турк тилида ўқиб берган нутқининг ўзбекча, қисқармаган нусхасини эътиборларингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу хусусдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

“Туркистон тонги” газетасининг бош муҳаррири,
Раҳимтой БЕГАЛИЕВ.

ТУРКНИНГ ДЎСТИ ТУРКДИР, АММО...

(Филология фанлари доктори Ботир Норбоевнинг “Бутундунё туркийларининг 3- қурултойи”да турк тилида ўқиб берган нутқининг ўзбекча, қисқармаган нусхаси)

Азиз қардошларим!

Қимматли меҳмонлар!

Мен Сизга оталаримиз юрти – Туркистон тупроқларидан кужак дўли салом галтирдим! Мен Хоразм оғузлариданман! Аммо менга, бу ерда 30 миллион нуфузга эга бўлган Ўзбекистонда яшаётган туркчиларнинг ва 16 миллион нуфузга эга Қозоҳистондаги туркчилар номидан гапиришга ижозат бергайсизлар!

Зеро ўзим Ўзбекистон фуқароси бўлсамда, 14 йилдан бери Қозоғистон жанубида умргузаронлик қилиб келмоқдаман. Бу ўлка ёшларига таълим берароқ сингиган озми-кўпми хизматим бу ердаги туркчиларни ҳам тамсил этишга асос берар, деган умиддаман.

» давоми, 4-БЕТДА

Ушбу
сонда:

КЕЛАЖАГИНГИЗ
РОСТДАН ҲАМ
БУЮКМИ?

2-Бет

ТУРКНИНГ ДЎСТИ ТУРКДИР,
АММО... ТУРКНИНГ ДУШМАНИ
КИМДИР?..

4-5 Бетлар

ХАЛҚ КИМГА
ИШОНИШИ
КЕРАК?

6-Бет

ЎЛИМГА ТИК
БОҚАР ОҚИННИНГ
КЎЗИ...

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНИНИ БИЛМАГАН ҲАБАШ ЗОБИТ...

(Бўлган воқеа)

Чет элга бормокчи бўлган Ўзбекистон фуқароси собиқ СССРдан мерос қолган ОВИРдан паспортига муҳр бостириб, руҳсат – виза олади.

Гарчи ҳозирги кунда ОВИРнинг номи жимжимадор қилиб “Ҳорижга чиқиш ва келиш фуқаролик бўлими” деб аталса ҳам одамлар уни ҳали ҳануз ўша эски ўрисча номи билан ОВИР дейишади.

Буни қарангки, бугун Америкадай каттакон қитъада, нафақат фуқаролар, балки кўпчилик расмий шахслар ҳам ОВИРни билмаскан ва унинг нима мақсадда фаолият олиб боришини тушунмаскан.

АҚШда ва Мексика, Никарагуа, Чили мамлакатларида бўлганимда, у ердагилар ОВИРнинг визасини кўриб таажжубланишганидан билакс мени ҳам ҳайратим ошди.

Аэропортда забардаст қора танли, истарали бир зобит яшил муқовадаги паспортимни синчиклаб текшириб қолди ва ниҳоят жинихонадан қочган одамни кўраётгандай менга тикилиб, паспортимнинг муддати ўтганини айтди.

Испани тилидаги таржимоним орқали бу бўлиши мумкин эмаслигини, чунки 45 ёшдан кейин бизнинг мамлакатда муддатсиз паспорт берилишини ва менинг паспортим ҳам муддатсиз эканини изоҳладим. Бу гапимдан зобит яна-да таажжубланди.

- Муддатсиз?! Қанақасига муддатсиз?! Муддатсиз – бу абадий деганими? Нима, сизларни Афғонистонингизда одамлар абадий яшайдими? – сўради зобит.

Зобитнинг гапидан жаҳлим чикди, лекин ўзимни босиб, таржимонга:

- Жанобга тушунтириб қўйсангиз, Афғонистондан ташқари ер юзида, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон деган яна бир қатор мамлакатлар ҳам бор, – дедим.

- Кечирасиз! Мени гапларим малол келган бўлса узр сўрайман! Бирок сизнинг паспортингизни ҳақиқатда ҳам муддати ўтган экан, – деди таржимоннинг гапидан кейин аэропорт ходими ва паспортимни очиб, 3 йил аввал ОВИРнинг муҳри урилган, ҳозирда муҳрдаги муддат тугаган жойга бармоғини нуктади.

- Э-мен жаноб зобитни энди тушундим, марҳамат қилиб айтсангиз, – дедим таржимонга. – Бу муҳр паспортнинг муддати борасида эмас. Паспортнинг муддатини билдирувчи

белги биринчи саҳифада. Бу жойдаги муҳр бизнинг мамлакатимиздаги ОВИР деган ташкилотники. ОВИР фуқароларнинг Ўзбекистондан чиқиб, қайта киришига руҳсат бериб, муҳр қўяди. Мен мамлакатимдан чиқиб кетганимга 2 йилдан ўтгани учун ОВИРнинг муҳрини янгилай олмадим. Энди буни уйга қайтганимдагина янгилашим мумкин ҳолос.

Менинг гапимни испан тилига ўгирган таржимонни тингларкан, қора танли жиддийлашди.

- Демак сиз судланган экансизда? – деди зобит.

- Қанақасига?

- Шунақасига – агар сиз



мамлакатдан чиқиб, қайта киришга ОВИРдан руҳсат оларкансиз – демак сиз қандайдир жиноят содир этиб, жавобгарликка тортилгансиз ва мамлакатингиздан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқидан сизни маҳрум қилишган-да.

- Оҳ худойим-эй! – деб юбордим мен ва Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро четга чиқиши учун ОВИРдан руҳсат олиши ва бу руҳсат 2 йил муддатга берилишини, бу Ўзбекистонда қонун эканини тушунтирдим.

- Мм..мм-да! - деди зобит ва бизни кутиб туришимизни айтиб, паспортимни олганича қаёққадир кетди. Унинг ортидан, бошлиқлари билан маслаҳатлашгани кетди-ёв дедим ўзимча. Лекин кўп ўтмай зобит юзида хижолат акс этганича қайтиб келди ва менга қараб, паспортимни бераркан, қайта-қайта кечирим сўради. Таржимонга эса узундан-узоқ бир нарсаларни гапирди. Таржимон менга зобитнинг гапларини қискача тушунтирди:

- Текширувчи, ҳеч қачон бундай ҳолни кўрмагандим деярли. Ўзбекистонда ОВИРнинг нега кераклигига ҳеч ақли етмабди. Миллионлаб аҳоли ҳукумат ҳамда президентни сайласа-ю, кейин ўша ҳокимият ўз сайловчиларига четга чиқишлари учун ҳар 2 йилда бир руҳсат бериб турса – бу қанақаси бўлди, тушунмадим, деярли зобит.

Абдумўмин Исоқов

Бу дунёда одам боласи борки тўкин, фаравон, бекаму-куст, хотиржам, қўйингчи, бир сўз билан айтганда, бахтиёр умргузорлик қилгиси келади. Умр деганлари ўзи инсонга бир боргина берилади. Лекин ҳамма одам ҳам шу бир лахзалик оламда ўзи истагани каби бахтли яшай оладими?

Инсоннинг ўзини бахтиёр ҳис қилиши учун нима керак? Кишининг бахтли-тахтли бўлиши кимга, нимага боғлиқ? Бахтли бўлмоқлик фикат одамнинг ҳаракатига, ўзигагина боғлиқми? Ёхуд ўзга омиллارга, ташки таъсирларга ҳам вобастами?

Шу ўринда савол туғилади: бир умр бахтни қувиб ўтмаслик, унинг дийдорига илҳақ кетмаслик учун нима қилиш керак? Назаримда, бахтни қувиб етмаслик қисматиға гирифтор бўлмаслигимиз учун қандай фикрлашни эмас, қандай яшашни ўрганишимиз керакдек. Аслида бориға қаноат, шуқуру сабр қилиб яшашни нопок йўллар билан давлат орттирганлар ўйлаб топишган. Чунки улар йўқсиллар, муҳтожлар ҳам давлатманд бўлиб кетсалар оғир аҳволға тушамиз, деб ўйлашса керак.

Шу маънода қаноат, шуқур, сабр сўзлари хусусида икки оғиз.

Сабрли, қаноатли бўлиш яхшидир. Лекин керагидан ортиқ эмас. Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши эмасми? Бирок, бизнинг ўзбегимиз ўта қаноъатли, ҳаддан зиёд сабрлики, худди ана шу нарса ҳалқимизнинг оёғига тушов бўлаётгандек. Яъниким, худди ўша “ўта, ҳаддан зиёд, керагидан ортиқ” деган сифатлар қўшилган шуқур, қаноат, тоқат, сабр каби сўзлар залвори миллатдошларимизга одамлардек бахтиёр бўлиб яшаш имконини бермаётгандек.

Ф. Бекон шундай дейди: “Биз табиатимизга мувофиқ фикрлаймиз, қондаларға мувофиқ гапирамиз, одатларимизға мувофиқ ҳаракат қиламиз”.

Худди ўша Бекон айтган – табиатига хос ўйлайдиган, қондаларига хос сўйлайдиган, одатларига кўра ҳаракатға келадиған халқ биз бўламиз.

Хўш, шундай экан шуқур қилмоқликни шиор қилган, сабр деган сўзға содиқ қаноат қон-қонига бизнингдек халқ ўзи, кимлар

бўлган,

сингиб кетган

вакиллари ким

ўзи?

Аждодларимиз ким?

Кимларнинг зурриёди эдигу,

бугунги кунда ким бўлдиқ?

Бошдан дўппимизни бир четға олиб қўйиб дунё халқлари орасидаги мавқеимиз ҳақида ҳам ўйлаб кўрганмизми ҳеч?

Туриш-турмушимиз, дунёқарашимиз, яшаш тарзимиз, кундалик ҳаётимиз, тирикчилигимизни ўзга давлатларда умргузоронлик қилаётган фуқаролар ҳаёти билан бир бора бўлсаям солиштириб кўрганмизми?

Майли, ривожланган европа давлатларини қўя турайлик, лоақал кунчиқар мамлакатларида истиқомат қилаётган аҳоли турмуш тарзи билан тенглаша оламизмикин?

Таққослаб кўргудек бўлсак, уятдан вужудимизни совуқ тер босмасмикин?

Таққослагудек бўлсак, тилимиз танглайимизга ёпишиб қолмасмикин?

Ёпишади, ёпишиб қолади-ини, ишонаверинг....

Ҳорижий элларнинг турмуш тарзи, яшаш фаровонлиги билан икки дунёда тенглашаолмаймиз, бўйлаша олмаймиз ҳам. Шу маънода Ўзбекистон билан ўзга давлат халқларининг ҳаётини киёслаш ғоят мушкул иш.

Шундай экан, мен ўзимни ортиқ қийнаб ётма-ю яхшиси, ўз ҳаётим мисолида оддий бир Ўзбекистон фуқаросининг бир кунини сизга таърифу-тавсифлаб бера қолай. Ана шунда ҳулоса чиқаришингиз янада осонроқ ва қулайроқ бўлади:

Ўзбекистон аҳолиси 30 миллионга етди деймиз, қериламиз. Лекин ана шу 30 миллиондан 8 миллиони ҳорижда мардикорлик қилаётганлиги хусусида чурк ҳам этмаймиз.

Ўзбекистонда аҳолининг 86% қишлоқда истиқомат қилишади, жумладан мен ҳам.

Қишлоқда яшаш қандайин “роҳат”, агар билсангиз. Масалан, мен, бола-чақа, хотин-халаж, қишлоқнинг қўйингчи барчаси ҳўроз қичқирмасдан, соат сахарги 5.00 дан туриб оламиз. Уйимизнинг шундоқкина ёнидан ариқ оқиб ўтади. Тоза ичимлик суви камёблиги сабаб ариқдаги лойқа сувға ҳам қаноат қиламиз. Юз-қўлимизни ювиб оламиз.

Ювиниш учун тоза сувни ишлатаолмаймиз. Тоза сув йўқ эмас, бор. 15 кунда бир маҳсус машинада олиб

келиб тоза ичимлик сувини сотиб кетишади. Эҳтиёжимизга, йўғ-э, чўнтагимиз қўтарганиға қараб, гоҳида 40.000 сўмға, ҳамён чидаған пайтларида эса 60.000 сўмға ичар сувимизни ҳам харид қилиб қоламиз. Фалон сўмға сотиб олинған тоза ичимлик сувини юз-қўлимизни ювиш учун ишлатиб бўларканми?

Жўжа бирдек жон бўлсак. Нима кўп, юз, қўл кўп бўлса, тоза ичимлик суви чидарканми?

Май ойлари ипак курти боқиш мавсуми бўлади. Оғилу, қундаланг уйимизға ўрнатилған сўриларда пиллаға кирий-кирай деб қолған ипак куртлар “барг, менға барг бер” деб “вишиллаб” ётибди. Шу сабаб ширин уйқуда ётған болаларимни уйғотаман: “Турларинг. Тут уриб келиш керак, барг тахлайсанлар!”

Уйғотаману, шусиз ҳам ярим тунға қадар ипак куртларига барг тозалаб, барг солишда онасига қўмаклашиб, кеч ётиб қолған гўдақларимға ачиниб кетаман.

Ўзимнинг-ку умрим сахардан то тунгача чопа-чоп билан, елиб-югуриб, ит ётиш-мирза туриш билан ўтиб кетди-ку. Кечагина эди, онам тонг сахар тепамда туриб, “Тура қол болам, куртлар қақшаб қолди, тут уриб келишинг керак” деб турткилаб маст уйқумдан

уйғотганлари....

совуқда жунжикиб,

болгани олиб, далаға

кетардим.

Энди ўша аччиқ қисмат

болаларимға ҳам боққанмиди,

деған ўйдан ўртанаман, уйқуга

тўймай, эринибгина ўрнидан қўзғалаётган

болаларимға қараб эзиламан. Лекин на чора.

Яшаш керак. Яшаш учун эса кимирлаш, кир ошиш даркор...

То болаларим бет-қўлларини ювгунларига қадар сигир боғланған қозик томон йўл оламан. Биттагина молимға ҳашақ соламан.

Сигирнинг тагини қурайман – тозалайман. Молнинг тезагиям бизға тутий. Қишда тапписи тандирға тутандирик бўлади-да. Шу боис сигирнинг тезагини ҳам ташлаб юбормайман. Кўмирнинг майда кукини билан қориб, таппи қилиб қўяман. Бу пайтда ҳовлини супириб бўлған хотиним челагини кўтариб, сигир соққани келади.

Ўзим қишлоқ коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим пахтада, ғаллада ишлайди. Йилда бир бор пилла етиштиради.

Хуллас, мен ҳар куни то дарс соати бошлангунға қадар уй юмушларига қарашаман. Соат 8.00 бўлишини мўлжаллаб коллеж томон йўл оламан. Умр йўлдошим болаларим билан биргалашиб келтирган тут барглари шоҳидан бутайди, теради-йиғади, ипак куртларига беради, вақт бўлди дегунча томарқамизға тутшиб кетган пахтазорға бирровға бўлсаякм чиқиб келади. Гўза ниҳолларини бегона ўтлардан тозалайди. Яна уйға қайтиб ипак куртиға қарайди, озуқа беради...

Мақтадан қайтган фарзандларим оналарига қўмакчи. Ипак куртиға барг солишда ёрдамлашишади, молға ўт юлишади, сув беришади, пахтазорға чиқиб, бегона ўтларни чопишда онасига қарашиб юборишади....

Қишлоқ кишисининг йил 12 ой умри шу алфозда меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билан ўтади. Сахар тур, сигирға ҳашақ сол, сут соғ,

ҳовли супири, ипак

қуртиға

қара, тут барги

келтир, молларға

ўт юл, гўза

ниҳолларини

бегона ўтлардан

тозала, тагини

чопик қил,

юмшат, суғор,

чеканка қил,

пахта тер,

ғаллазорға

пойлоқчилик

қил, ғалла ўр, тер,

йиғ....

Эй-ййй, нимасини айтасиз, қишлоқ кишилариинг танглайини меҳнат билан қўтарган экан-да Худо. Қаёққа қарасанг

давоми 3-бетда



КЕЛАЖАГИНГИЗ РОСТДАН ҲАМ БУЮКМИ...

(давоми, боши 2-бет-

меҳнат, қачон қарасанг меҳнат. Итда тиним бор, кушда тиним бор, лекин ўзбекда тиним йўқ, қишлоқда тин олиш йўқ. Меҳнат, меҳнат бўлгандаям қора меҳнат сочини оқартиради бечора қишлоқ қишлоқларининг... Ёзда саратон, 50 даража иссиқ демайди, гўза оралайди, кузда гаримсел демайди, полиз маҳсулотларини йиғади, ғалла экади. Қишда совуқ демай ерни шўрдан тозалайди, адоғсиз адалаларга сув ҳайдайди....

Ҳадиси шарифда “Бешикдан қабргача илм изла” дейилган. Билмадим, қайсидир мамлакат фуқаролари эҳтимол туғилганидан то кексариб қолганига қадар илм олар, лекин бу ҳадис ўзбек учун эмас. Негаки, ўзбек шўрликнинг бешиқда ётган гўдагиям меҳнат қилади: жула бўлмаганда юзидаги ғиж-ғиж пашшани қўриydi-ку! “Ўзбек” дегани – “ИШ, “Меҳнат” сўзларининг синоними эмасмикин, мабодо деб ўйланиб қоламан баъзида. Ўзбек туғилганидан то гўрига қадар ишнинг, меҳнатнинг кетидан қувлагани қувлаган.... Меҳнат бўлганида ҳам оғир ва ғоят машаққатли меҳнат бу. Унча-бунча ўзга эл фуқаролари дош бера олмайдиган қаро иш, кундалик турмуш, оғирдан-да оғир юмуш....

Агарда ана шу оғир меҳнатларимиз кадрланганида, тўкаётган пешона-теримиз муносиб баҳоланиб, умримиз эъзоз кўрганида, жонимиз ҳузур топганида-ку, майли эди-я, “ғинг” демаган бўлардим.... Бирок...



Халқимизда “Эшакнинг меҳнати ҳалол, гўшти ҳаром” деган нақл бўларди. Худди ана шу айтган биз бўламиз, ўзбек бўлади, агар билсангиз: МЕҲНАТИ ХАЛОЛУ, ГЎШТИ ХАРОМ.

Гапнинг пўсткаласини айтганда, бу дунёнинг дўзахини кўрмоқчимисиз? Ўзбекистонга келинг, жаҳаннамнинг ўзгинаси. Ёзда, саратоннинг 50 даражали иссиғида гўза оралаб юрган кезларингизда суяқларингиздаги фасфорт ёниб, вужудингиздан ҳовур ўрнига дут чиқса – жаҳаннам деганлари шудир-да! Ўлган-қолганингга қарамай эшакдек ишласанг, меҳнат қилсангу, меҳнатинг муносиб баҳо топмаса – нима бу?

Кун бўйи гўза суғориб, пахта эгатлари оралаб тупроқ, лой кечиб ярим тунда уйга ҳорғин келсангу, қоронгулик қаърига қирсанг, қаро тунга сингиб кетсанг, “йилт” этган шуъла бўлмаса – дўзах бўлмай нима бу?

Ўзинг гўза етиштирсангу, бир кўмғон чой қайнатишга гўзапоянг бўлмаса! Қаронгу қишингда табиий газ тугул, кўмирнинг қахатлигидан музлаб чиқсанг, совуқдан қотиб қолган гўдагингни минг бир ҳасратда ерга берсанг – сизнингча нима бу?

Яшашми? Тирикликми? Яшаш деб атаб бўлармикин бундайин турмушни?

Тўғрисиям шу-да, қишлоғимизда 15 йилдан бери соатбай электр бериш урф бўлган.

Бир кунда бор-йўғи 1 соатгина электр беришади номардлар. Куннинг қолган 23 соатида электрни узиб қўйишади. Тунлари ҳамма қатори бойўғлидек қаронғуда ўтирамыз. Шағам деганлари

ҳам чидамай қолган ҳозир. Биттаси бир соатга етмаяпти.

Шундай “Яхши бўп қолар” дейди халқимиз, чидайди, сабр қилади.

Қишлоқдаги қувирларга газ келмаганига ҳам 20 йил бўлиб қолди-ёв. Ҳозир 20 ёшга тўлган ўғлим ўша пайтларда бешиқда ётган бола эди – газ йўқлигидан кечалари “каша”сини иситиб бераолмасдан қийналиб қолардик. Мана, шу бешиқдаги боламнинг ҳам бугун бўйи бўйим билан баробар бўлиб, 20 га қириб турибди-да. Ўшандан буён табиий газ йўқ.

“Эй, ота-бобом газ кўрганмиди? Ўтин билан кўмирдан қўймасин!” деб билак шимарай десанг, ўтиннинг ўзи қахат. Кўмирнинг баҳоси ҳам осмонга сакраб кетган.

Табиий газнинг йўқлиги сабаб 20 йилдан буён одамлар қишда тарашадек қотмаслик учун ипак қуртга мўлжалланган тутларни қаллақлаб кетишган. Пилла етиштириш учун тут ҳам қолмаган ҳисоби....

Шунда ҳам халқимиз қаноатли, тоқатли.... Шукур қилишни билади.

Тасаввур қилинг, ишдан ҳориб келасиз, электр йўқ. Ҳамён “хувиллаб” ётганлиги сабаб шағам билан кўмир харид қилишга қурбингиз етмайди.

Толиққан холда қоп-қоронғу совуқдан-да совуқ қулбангизга кирасиз-да, оч қоринга тонг отишини кутиб, муздеккина кўрпангизга бурқаниб оласиз....

Бунчалар сабрли, намуначи қаноатли, бунчалар тоқатли халқ бўлмаса бу ўзбек дегани?!

Нима бало, дунё пештахтасидаги жамки сабру шукур, қаноату тоқат деганларининг барчасини шу ўзбек халқи харид қилганми дейман!

Мана, масалан, мен Қашқадарёнинг Қамаш туманидаги қишлоқлардан бирида яшайман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Қашқадарё газнинг бешиги эмасми?

Ўзимиздан чиқаётган табиий газ бу ёғи Қозоғистон, Россия, у орқали Европага, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, боринг, ана, Чин мамлакатига экспорт қилинаётган бир пайтда қашқадарёликлар бир куб газга зорикиб ўтирса-я?

Адолатданмикин шу?

Ё тавба, бу ўзбекнинг манглайи бунчалар шўр бўлмаса-а? Бир қисса, ҳар томонлама қисаверар экан-да-а? Табиий газдан, электр энергиясидан қисилганлари каммиди?

Оғир меҳнатдан елкамизнинг яғир бўлгани озмидики, камига иш ҳақимизни ҳам 100 фоиз пластик карточкага ўтказиб юборишди.

Оқибатда, мана, 5 йилдирки, ўзбек сўмини кўрмаймиз. Яқинда сўмимизни ҳам танимай қоламиз-ов бу туришди.... Пластик карточкадаги пулимизни исталган пайтда нақд қилиб ололмаймиз. Банкда нукул “Нақд пул йўқ” дейишади. Оқибатда 20 фоиз “хизмат ҳақи” бериш эвазига пластикни “сўм қилиб” оламиз гоҳида....

Лекин пул дегани ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ана шунинг қасрига болаларимга тухум бериб турган 14 та товўғимни тоза ичимлик суви сотиб олиш учун сотишга мажбур бўлдим.

Тўнғич ўғлим Тошкентда. Олийгоҳда таҳсил олаяпти. “Контракт”га “илинган”. Йилига беш ярим миллион сўм “контракт” пули ҳам тўлашимиз керак ҳали. Емай-ичмай ўғлимизга 5 ярим миллион сўм тўплаб беришимиз ҳам керак.

Умр йўлдошим далада – пахтада ишлайди. Пилла етиштирганларга, йил бўйи пахта, ғалла далаларида ишлаганларга ҳам тўламайди бизда.

Шунинг учун хотинимнинг қўли пул кўрмайди. Ҳа-я, ёлғон бўлмасин, пахтакорларга йилда бир бор, у ҳам бўлса, пахта териш мавсумидагина ҳақ беришади. Терган пахтасининг килосига 150 сўмдан тўланади. 100 кило пахта терсангиз – 15 000 сўм. Қўлларингизни, билагу қуйлақларингизни чаноклар тилиш эвазига 100 кило пахта териш қандайин азоб эканлигини биласизми?

Билмайсиз! Буни бошидан ўтказган одамгина билади, холос. Ана шундай меҳнат машаққатининг баҳоси бизда бор-йўғи 15 000 сўмгина туради, холос.

Ваҳоланки, ўзбек етишдирган пахта толасидан тайёрланган бир дона эркаклар қуйлагининг нархи бозор пештахтасида



ўртча 60.000 – 65.000 сўм турибди.

Ана, кўрдингизми, ўзбек қишда ер шўрини ювиб, баҳорда чигит қадаб, гўза парваришлаб, чопиқ қилиб, бегона ўтдан тозалаб, кун ора гўза суғориб, пахта етиштириб, қуёшнинг қизигида терган 100 клограм пахтасини 15 000 сўм эвазига беради-ю, пешона-теридан келган ана шу 15 минг сўмнинг устига яна 45 минг сўм қўшиб ўзи етиштирган ҳосилни – ҳалигина сув текинга берган пахтасини 60-65 минг сўмга – қиммат баҳода қайта сотиб олади: турмуш ўртоғига ёнқи ўғлига қуйлақ шаклида, албатта.

Қани бу ерда адолат?!

Ана шундай тенгсизлик, ҳақсизлик қомида ҳам қаъноат қилади, сабрни билади, шукур қилади ўзбек шўрлик!

20 йилдан бери коллежда дарс бераман. Ойлик маошим 450 000 сўм.

Мол, товўқ боқаман, экин-текин қиламан, гоҳо томорқамдан чиққан маҳсулотлардан бозорга сотгани ул-бул ҳам олиб чиқиб қоламан.

Хуллас, битта машина олишга орзумандаман. Темир “тойчоқ” минай деб 20 йилдан буён йиғиб-тераман. Қаники, пулим битта машина харид қилишга ета қолса эди, қошки....

Алам қиладигани шундаки, беш йиллар чамаси илгари бир ўқувчим дарсга келмасдан, Россияга ишлагани кетиб қолганди.

Ўзга мамлакатда кўча супирганми, қурувчилик қилганми, бу ёғи менга қоронғу, қолганини ўзи билади-ю, менинг билганим шу, ўқувчим Россияда ишлаб келиб ўзига битта матиз русумли оёқ улов олволибди. У қуни ишга кетаётсам, ўша ўқувчим ёнимга келиб тўхтади-да “Домла,



яёв юришдан чарчамадингизми? Ишга пиёда бориб-келиш сизга ярашмайди. Энди ўзингизга битта машина сотиб

олмасангиз бўлмайди” дейди. Унинг бу гаплари кўнглимга жудаям оғир ботди... У ҳам майлику-я, биласизми, ўқувчим яна нима деди?: “Устоз, сиз таълим берган шогирдларингиз олийгоҳларни тамомлаб, Россияда кўча супириб юришибди-ку. Сиз домлалар биз, ўқувчиларингизга Россия кўчаларини тоза супириш борасида сабоқ берган экансизлар-да-а? Ҳа, нима, устоз,



президент хориждаги мардикорларни “дангасалар” деб ҳақорат қилганидек, сиз ҳам биздақалардан жирканасизми?” дейди. Ниҳоятда қаттиқ ўқиндим, рости, отам раҳматлик оламдан ўтганларида ҳам бу қадар қаттиқ ўксимаган эдим.

Ножоиш бўлса ҳам айтишга мажбурман, тоза ичимлик сувининг йўқлиги сабаб қишлоқ қишлоқлари ҳаммом нима эканлигини ҳам унутиб қўйишган. Натижада, далада чанг, лой, тупроқ кечиб ишлаган аёлларнинг ювиниб-тараниб, тозаликка риоя этиш имкониятлари йўқлиги боис хотин-қизларнинг 80 фоиздан ортиғи шамоллаган, касалликка чалинган. Мана, масалан, менинг хонадонимда ҳаммом бору, табиий газнинг йўқлиги сабаб йилда бир бор ишлатишнинг имкони йўқ. Қолаверса, сув топилса ўтин топилмайди, ўтин топилганда сув анқонинг уруғи бўлади. Ҳаммомни тезакнинг кучи билан қиздирай десангиз, тезакнинг шўрини қуритади: камида 25-30 дона тезак кетади-да ҳаммомни иситиб олиш учун. Қишнинг қиrowsи кунларида тезак билан уй қиздирасизми, ҳаммом иситасизми? Қай бирига етади тезак дегани? Сигиримиз бор йўғи битта бўлса? Бу дегани тезакнинг ҳам таги кўриниб қолиши мумкин-да.

Қийиндан-қийин қиш кунлари ёш келин-куёвларга қийин. Совуқ кунларда совуқ сувга ювиनावериб қанчадан-қанчаси шамоллаб кетган. Мана, энди болалик бўлаолмасда, дўхтирма-дўхтир чопиб юришибди. Шу ўринда Ўзбекистонликларга бир маслаҳат: Ўғил уйламоқчимисиз? Келин-куёв бетоб бўлмасин десангиз, набирали бўлишни истасангиз, никоҳ маросимини асло қиш кунлари ўтказма кўрманг. Яхшиси, май ойларига мўлжаллаганингиз маъкул... Қолганига табиатнинг ўзи кунларни қиздириб, қарашиб юборади.... Баъзида ўйлаб қоламан, мустақил бўлганимизга салкам 24 йил бўлмоқда.

Сал кам чорак аср давомида янги бир авлод вояга етди. Бу дегани – сизу бизнинг кечаги қаро қисматимиз болаларимизнинг ҳам бошига тушди демакдир.

Хўш, қачонгача одамдек яшашни орзу қилибгина яшайверамиз? Қачонгача бошимизга бахт қуши ўзи келиб қўнишини кутиб умргузоронлик қиламиз? Қачонгача сабр этамиз, тоқайгача шукур қиламиз? Қаноат қилишлар қачонгача?

Ўзбекистон кўчаларини кезгудек бўлган киши қайққа қараса “Ўзбекистон – келажаги буюқ давлат” деган шиорга кўзи тушади. Ростанам шундайми? Сиз шунга ишонасизми? Менга қолса, “Ўзбекистон – келажаги қуюқ давлат!” деган бўлардим....

Сардор Комил

ТУРКНИНГ ДЎСТИ ТУРКДИР, АММО...

(Давоми, боши 1-бетда)



Минбарда Ботир Норбой

Камина бугун Хоразмнинг баъзи жойларида мотам тимсолига айланган ок кийимлар кийдим. Бугун бу ерда Турк Дунёсининг буюк қурултойи ўтаркан, нега мотам тимсоли бўлмиш кийимлар кийдинг, деб ажабланидиганлар ҳам топилар!

Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Улардан айримларини айттай!

Мен 1989 да Фарғонада ўлган кўп сонли Ахиска Турклари ва оз сонли Ўзбек Турклари учун, 1990да Ўш ва Ўзганда қурбон бўлган кўплаб Ўзбек ва оз сонли Қирғиз Турклари учун ва бундан уч йил илгари Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида туркий қирғизларнинг миллатчилари томонидан қириб ташланган кўплаб ўзбеклар ва туркий ўзбеклар қўлида ўлган оз сонли қирғизлар учун мотам либосини кийдим.

Ажабо, минглаб туркийларнинг ўлимига сабаб бўлган бу уч урушни кимлар ташкил этди? Бу жанжалларнинг бошида ким турди?

БЎЛ, ПАРЧАЛА ВА ҲУКМРОНЛИК КИЛ ТАКТИКАСИ НЕДУР?

Рус коммунистлари 1920-30 йиллардаёқ “парчала ва ҳукмронлик қил” тактикасини ишга солганлар.

Шўролар даврига қадар Туркистон тупроқлари ҳамма учун умумий эди. Хива ёки Бухородан йўлга чиққан қарвонни Олма ота ёки Бишкеккача ҳеч ким тўхтатмасди. Дошўғиз ва Урганч, Ўш ва Андижон, Хўжанд ва Бекобод, Тошкент ва Чимкент ўртасида чегара йўқ эди.

Рус коммунистлари бутун Туркистонни беш парчага бўлдилар ва ўзлари билганча чегаралар чизиб бердилар.

Профессор Боймирза Ҳайит айтганидек: “1924 йилнинг октябрида Туркистон Мухтор Совет Жумҳурияти, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларига барҳам берди. Уларнинг тупроқлари ва аҳолиси Ўзбекистон ва Туркменистон Совет социалистик жумҳуриятларига, Ўзбекистонга боғлиқ бўлган Тожикистон Мухтор Совет жумҳуриятига, Қора Қирғиз Мухтор совет жумҳуриятига ва Қирғиз (Қозоқ) Мухтор совет жумҳуриятларига тақсим этилди...”

Коммунистлар бўлиниш пайтлари чегараларни шундай чиздиларки, ўзбек қавмларининг бир қисмини Қирғизистонда, Қозоқларнинг бир қисмини Ўзбекистонда ёки ўзбекларнинг бир қисмини Туркменистонда ва ё Қозоғистонда қолдирдилар.

Яъни, минг йиллардан бери туркий ўзбеклар ҳам яшаб келаётган Ўш ва Жалолободни Қирғизистонга, хозир ўзини ўзбек атайдиган ўғизлар, (хоразмликлар) ҳам яшаб келган Дошўғиз ва Чоржўйни Туркменистонга, қозоқлар яшаб келган Томди, Конимех туманларини Ўзбекистонга, Хўжандни (1936 йилгача Ўзбекистон таркибида автоном бўлган) Тожикистонга “бериб юборишган”.

Чунки улар туркийларнинг бирлашувидан ҳайиқишарди.

Улар туркийларнинг бир пайтлар Турк ҳақонлиги, Олтин Ўрда, Ўзбек хонлиги, Қозоқ хонлиги, Хоразм ва Амир Темур империясини, Қўқон, Бухоро, Хива, хонлиги каби давлатларни тузишганини ва агар бу миллатлар бирга яшашса, тил бирилиги пайдо бўлишини, қудратли давлат вужудга келиб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишлари, ҳатто, мустақиллик талаб қилишлари мумкинлигидан ҳайиқишарди.

Рус коммунистлари бу сиёсатлари билан, гўё чегаралар остига кўзга кўринмас, аммо ўзлари ҳоҳлаган пайтда портлатишлари мумкин бўлган гизли бомбаларни беркитдилар. Туркистон халқлари шўро ҳукуматига қарши ишлар қилса, мустақиллик талаб этса ўша бомбаларни портлатишни режаллагандилар.

Улар бу бомбаларнинг портлаши оғанинидан бегона қилишини билишган. Аммо “Ассалом рус халқи буюк оғамиз” деб ашула айтиб юрган бу авом одамлар ўрислар чизиб берган чегараларни ҳақиқий деб билиб, бу ер Ўзбекистон, бу ер Қирғизистон... ва ҳақоза дейишди Деярли барча урушларда, чегарани чизиб берганларнинг кўринмас бомбалари “портлади”: титулли миллатларнинг “бу бизнинг еримиз, қани туёғингни шикқиллат”, деган даъво асосий даъво бўлди. Қардошлик, кондошлик қонунлари унитилди...

Агар коммунистлар туркий халқларнинг дўсти бўлишганида, бу хил фожиалар келиб чиқмаган бўларди.

Қатор-қатор сабаблар туфайли 1989дан бошлаб бу “бомбалар”ни бирин-кетин портлата бошлашди: ўзларининг турклигини, бир ота-онанинг фарзанди эканлигини англамаган, билмаган авом халқ вакиллари усталлик билан бошқариб бир-бирларининг устларига ташладилар.

**ФАРҒОНА...
ФОЖИАЛАРДАН БИРИ...**

Албатта, Туркистонда XX юз йилликнинг охири ва XXI юз йилликнинг бошида бўлиб ўтган бу урушларнинг ўз сабаблари ҳам бор. Айтайлик, 1944 йили фашист Сталин ва унинг ялоқхўри Берия буйруғи асосида моллар ортिलाдиган вагонларда зўрлаб кўчирилган, йўл машаққатларидан ўлган юзлаб фарзандларини йўлларга кўмиб келган қардошларимиз - Ахиска турклари ва ўзбек турклари 45 йил тинч-тотув яшаб келишди...

Аммо ўз юртини талаб этаётган, мустақиллик учун бел боғлаган миллатларнинг тинчлиги коммунистларга керак эмасди ва улар ўзларининг кирдикорларини амалга ошира бошладилар... КГБ бу ишларни ҳамирдан қил суғиргандай битирди.

Улар, аввало, Ўзбекистон халқлари ҳаётидаги бу можораларга йўл очувчи иктисодий ва ижтимоий асосларни топдилар ва улардан усталик билан фойдаландилар...

Ўтган асрнинг 80-90 йилларида Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ўзининг енгил бўлмаган меҳнати ҳисобига зўрға тирикчилик қиларди. Шўро ҳукуматининг алдовларига деярли тўла ишонган кишлоқ ўзбекларнинг пахтачилик билан банд қисми янада ночор яшар ва нон билан чойга етарли мойна олганига шуқур қиларди Онги ҳам шу даражада эди...

Аммо Шўро ҳукуматидан кўпроқ жабр кўрган ва унинг алдовларига ним табассум билан боқиб турган, советларнинг коммунистик ғояларига камроқ ишонган Ахискаликлар(нинг бир қисми пахтачилик билан ҳам шуғулланишсада)кейинроқ даромади кўпроқ, аммо меҳнати нисбатан енгил ишларга ўргана бошлашди: иссиқхона (парник)ларда помидор, бодринг, болғор қалампири... етиштириб катта шаҳарларда сотишди, савдо соҳасига кўпроқ мослашишгани учун авом ўзбекларнинг камбағал қисмидан тузикроқ яшай бошлашди. Бу уларнинг ҳақ-ҳуқуқи эди.

Аммо бу ҳол ҳам раҳбариятда бўлган ва бўлмаган ўзбекларга ёқмаган экан. Бошқа қўшни мамлакатларда кам сонли миллатларга қандай қарашса, Ўзбекистон расмий ҳам уларга шу кўз билан қарай бошлашди. Масалан, ўзбекистон ҳукуматидагилар ўша пайтлари Ахискаликларни мансаб эгалари бўлишларига, ёшларининг катта ўқишларда ўқишларига (ёзилмаган қонунлар асосида) рўйхўшлик бермаганларини кейинроқ менга ҳикоя қилиб беришганди.

1985 йилдан бошлаб Ахискаликлар Горбачев берган эркинликлар туфайли сиёсий онги уйғонгани учун ўз юртлари Месхетияга кўчмоқни орзу этишди, турли ташкилотларга хатлар ёзишди, йиғилишларида она юртга қайтиш ғоясини илгари суришди.

Шу орада Ахискаликлар ва ўзбеклар ўртасида низо чиқариш ҳаракати бошланганини кейинроқ сезиб қолганмиз...

Ахискаликларнинг ва ўзбекларнинг зиёлилари, бир қанча ҳолларда бу нотинчликнинг олдини олишга ҳаракат қилдилар. Шоир ва Ҳофиз Дадахон Ҳасан фарғонага бораркан, ҳар бир йиғинда, тўй маракаларда бу ҳақда ваъз айтган. Бир гал у Қўқондаги энг катта футбол майдонида концерт уюштириб бу икки халқнинг томири бирилиги, қон- қардошлиги ҳақида сўзлашни ният қилган. Унинг кейинчалик камингага ҳикоя қилишчи, Фарғонада унинг иштирокида уюштирилган бу концертга Ахискаликлар чақирилган бўлишса- да келишмаган. Бироз ўтиб уларнинг лидерлари Дадахон акага учраб: “бизнинг концертга келмаганимизнинг сабабини тўғри тушунинг, биз ишончли каналлардан худди шу кунни КГБ ўзбеклар ва Ахиска турклари ўртасида уруш чиқармоқчи эканликларини билиб қолдик ва келмадик”, деб уэр сўрашган...

Аммо асосий халқ онгсиз бўлса, бу ерда муқим яшаб келган халқлар ўзининг ёмон яшаётганининг сабабини бошқа халқлардан кўрса, авом аҳоли ўртасида уруш чиқариш ва бунини бошқариш КГБга чўт эмас экан. Бунини у 1989даги Фарғона фожиалари пайтида ҳам, 1990даги Ўш - Ўзган фожиалари пайтида ҳам (афсуски) исбот қила билди...

1989 майида пивоҳона олдида икки ёш бошлаган жанжал эртасигаёқ қонли тус ола бошлади.

Йўқ, ўз-ўзидан бундай бўлмади. Бу жанжални кўрган КГБчилар икки халқ орасида: гўё фарғонали туркий ўзбеклар Ахиска туркларининг болаларини ўлдиришгаётгани, қуйдиришгаётгани, ҳатто паншаҳаларда бошлари бўйи кўтариб юришгани ҳақидаги сохта “фото”ларни, варақаларни таркатдилар... Фарғоналикларнинг онгсиз қисмига (афсуски ўша пайтда улар оз эмас эдилар) уларнинг камбағаллигининг сабаби туркларнинг бу ерда яшаётгани дея тушунтирилди ва баъзилари бу гапга лакка ишонишди



Мажлис аҳлининг бир қисми

Таниқли кинорежиссёр ва оператор Абдулазиз Махмуд урушдан бироз ўтиб олган вилоявҳаларда фарғоналик ўзбекларнинг вакиллари ўзларининг чалдеворларда, чор-ночор яшашётганини,

турк биродарларнинг шаҳона уйларда истиқомат қилганларини иддио этишади...

КГБ сохта фотолар тарқатиш билан бирга, Ахискаликлар ёзувчи биродаримизнинг бизга маълум қилишчи, қомоқхоналардаги жиноятчиларни ҳам олиб чиқиб, ўзбекча кийинтириб туркларга қарши қўйишган...

Сўнг, ўша турк ёзувчиси Миржавод Ахискаликнинг гувоҳлар орқали аниқлашчи, шу варақа ва сохта фотолардан кейин болалар (албатта КГБ айғоқчилари тамонидан) ростдан ҳам ўлдирилган. Кўплаб уйларга ўғлар қўйилган. Шу тарика Ахиска туркларидан кўпроқ, ўзбеклардан камроқ одамлар ҳалок бўлган...

Ўша пайтда бу ишнинг бошида КГБ турганининг аниқ далили: спортчилар кийимини кийган ёш-ёш йигитлар ҳали минилмаган? Яп-янги мотоциклларда туманма-туман юриб, туркларни бу ерлардан кўчишга даъват этишганини фақат фарғоналиклар эмас, Сирдарёлик, Самарқандлик ва Каттақўрғонлик ўзбеклар ҳам билишадди.

Биз ўнга яқин зиёли 90 йилнинг май ойи бошларида Ўзбекистон Вице примери Шукрулло Мирсаидов (жойи жаннатда бўлсин)нинг олдида қирганмиз. Ўша кунлари Ўш ва Ўзгандан эндигина ёмон хабарлар келаётган эди. Шахсан ўзим Сирдарёдаги туркларни кўчирмасликларини у кишидан илтимос

қилиб, турк талабаларим ёзиб берган аризани топширганман. Аммо у киши: “Энди ғишт қолипдан кўчди, турк биродарларимизнинг асосий қисми кўчди, булар ҳам кетаверсин”, дедилар ва энг қизиғи Бирлик халқ ҳаракатининг ўша пайтдаги раиси А. Пўлатов ҳам шу фикрда эканлигини баён этди. Мен жим қолишга мажбур бўлдим...

ЎШ-ЎЗГАН ФОЖИАСИ...

1990 йил май ойининг бошларида Ўш ва Ўзганда ҳам айни сценарий ишга туширилди. Ўша пайтдаги Қирғизларнинг коммунист раҳбарлари икки халқни бир-бирига гиж-гижлаган, уришнинг бошида туришган.

Бизга маълум бўлишчи, Ўш-Ўзган қирғинидан олдин ўша жойдаги раҳбарлар ўзбекларнинг ов қуролларини йиғиб олишга фармон берганлар ва бу иш амалга оширилган.

Сўнг эса, оқ ва қизил читлардан минглаб бош боғлағичлар (ўзбек аёллари ҳам ишлаётган цехларда!) қирғиз расмийлари томонидан тиктирилган.

Қирғиндан бир кун олдин кечаси ўзбекларнинг (қирғиз ёшлари ёқини керак бўлган) уйларининг эшикларига қизил латталар осилган ва эрталаб худди шу уйларнинг аксарияти ёқилган.

Бу қирғиннинг ташкилотчилари қирғиндан сал олинроқ бошқа бир манзилда кўпқари ташкил этганлар ва қирғиз ёшларига инсоннинг ҳисси ва хирсини қучайтирадиган суюқлик қўшилган спиртли ичимликлар берилган. Ўш ва Ўзганда зўрланган қизларнинг зўрланиши шу ичимликлар билан ҳам боғлиқ...

Бундан ҳам қониқмаган баъзи раҳбарлар Давлат автомобил назорати машиналарини ишга солиб, Ўш ва Ўзгандаги қирғизлар яшайдиган маҳаллаларга бориб, қирғиз тилида гўёки, ўзбеклар қирғизларга ҳужум уюштириш учун келишгаётгани, огоҳ бўлиб, қуролланиб туришлари лозимлигини тарғиб қилганлар.

Ҳатто қирғиз жангарилари йиғилиб турган жойларга верталётлардан қуроллар ташлашгани ҳақидаги фактларни Абдулазиз Махмуд видеога олган. (Биз бу видеонинг икки дақиқалик бир парчасини Дунё Турклари Қурултойи қатнашчиларига кўрсатишга муваффақ бўлдик.)

...ТУРКНИНГ ДУШМАНИ КИМДИР?..

Шу тарика бу урушда кўплаб ўзбек турклари ва қисман қирғизлар ҳам ҳалок бўлдилар.

Аммо афсуски, Ўзбекистоннинг Фарғонасида Ахиска туркларини махв этишда қатнашганлар “топилмаган”и, судланмагани ва жазоланмагани каби Қирғизистондаги 1990 йилги қирғиннинг қирғиз ташкилотчилари, иштирокчилари ҳам топилмадилар ва жазоланмадилар. Ҳар ҳолда улардан кимлар қамалгани ёки жазолангани жамоатчиликка маълум эмас...

Туркияга келиб бир дўстимиздан “Туркнинг дўсти турк, аммо унинг душмани ҳам турк”, деган даҳшатли мақолни эшитдим. Буни нақадар ҳаққоний эканлигини билмадим, аммо (тор миллатчилик қонига сингиган) туркийларнинг ичида бир-бирига душманлик қиладиганлар ҳам борлиги юқоридаги фактлардан ҳам маълум.

ЎШ-ЖАЛОЛОБОД ФОЖИАСИ

Ажабо, туркийларни бир-бирини қатл этиши учун (1989 ва 90 даги каби) коммунистик ҳукумат шарт эмас экан. Шўролар ишлатган найрангларни ҳукуматлар (бу аснода қирғиз ҳукумати) ҳам ишлатаоларкан...

Маълумки, ўшлик ўзбеклар азалабадан шаҳарда яшашгани ва худди Ахискадилар ҳақида айтганимиздек, савдо сотиққа яқинлиги, деҳқончилик ва қурилишда, ремонт ишларида удабурролиги учун 2000-2010 йилларда ҳам қирғизлардан тузикроқ яшашарди. Ҳукуматдагилар эса ўзбекларнинг қирғизлар ватанида яши яшаётганини, шунинг ҳисобига улар “ўз ватанида келгинди каби умр суришаётгани”ни дақиқа сайин ургулаб туришган.

Россиялик олим Игор Савин оператор ва режиссёр А. Маҳмудга берган интервьюсида айтганидек: “Сенинг оғир ҳаётингга порахўр амалдор - ўзингнинг қирғизинг айбдор, ёки бизнесменинг ёхуд жиноятчи каззобинг айбдор деб тушунтириш учун, кўряписки, қанча сўз ишлатиш керак?! Ўзбеклар ҳамма жойини эгаллаб олди, дейиш эса осон бўлган...”

2010 йили апрелида Қирғизистон президенти Қ. Бакиев иктидордан кеткизиларкан, Бюджетдаги пулларни ўмаришганди. Ҳукуқ ҳимоячиси Равшан Гапиров ва баъзи журналистлар ҳам айтганидай, Бакиевни ағдарганларнинг ўз миллатига яхши кўрингиси келиб қолган. Бу миллатчи унсурлар ўз халқига яхшироқ шароит туғдириб обрў қозонмоқчи бўлишган: Ўш ва Жалолободдаги ўзбекларни қамайтириш, уларнинг мол-мулкларини тортиб олиб ўзларига ва бошқа қирғизларга бериш улар учун осон йўл бўлган.

Бунинг устига қирғиз медиасининг бир қисми Ўзбекларнинг мухторият талаб этаётгани, ўзбек йигитлари қирғиз талаба қизларини зўрлаганликларини эълон қила бошлаган. Ҳатто бу “зўрлаш”ни тасвирлайдиган сохта видеороликларни ҳам тарқатишган. Ва уларни қирғиз ёшлари қулоғига етказишган.

Бу хил алдовларга ишонган Олойлик ва бошқа кишлоқлик ёшлар тоғдан тушиб келганлар ва қатта уруш бошланиб кетган. Уларга ҳарбийлар ва бошқа раҳбарлар қурол, ҳатто бронотранспортёрлар берганлиги ҳақида фактлар ва видеолар бор. (Бу ҳақдаги икки дақиқалик парчани Қурултой ташкилотчилари ҳам кўришди)

Шу тарика қуролсиз туркий ўзбекларга қуролли туркий қирғизларнинг босқини бошланди. Ўзбеклар ўз кўчаларига турли ёғочлар, шох шаббалар, баъзи жойларда камазлардан тўсиқлар қураган, ҳарбийлар миниб олган бронотранспортерлар бу тўсиқларни ёриб ўтиб қурулланган ёшларга йўл очиб беришди. Шу тарика туркий ўзбеклар кўпроқ ўлдирилди, уларнинг

уйлари, тўйхона ва кафеларини ёқилди.

Бу урушда, халқаро комиссиянинг ҳисоби бўйича ҳар икки томондан 470 (норасмий манбаларнинг айтишича мингдан зиёд) киши қурбон бўлди. Қурбон бўлганларнинг 90 фоизини ўзбек туркийлари эканлигини ҳам аниқлашди.

Халқаро комиссия ўзбек йигитларининг қирғиз талаба қизларини зўрламаганликларини ва ўзбеклар мухторият талаб этмаганлигини ҳам аниқлади ва маълум қилди.

Афсуски, бу қатлиомни Туркий ва Туркий бўлмаган давлатларнинг раҳбарлари, ҳатто, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европа Иттифоқи жимгина томоша қилишди ва ҳозирда ҳам томоша давом этмокда.

Уч йилдан бери Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари (м-н: Равшан Гапиров), журналистлар (Решит Музаффаров, Шамсиддин Маҳмадалиев,) қирғиз ҳукумати ўзбекларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этмаганликлари (шу бугунги кунда ҳам), жойлардаги қароқчи тўдалар кам сонли миллатларнинг уйларига,



Қурултойни бошқарган буюк туркчилар Туркий бирлигининг тезроқ намайён бўлишини, туркийларнинг бир-бири билан ҳамжиҳат бўлишини талаб дуо қилишди.

ишхоналарига боскин ясашаётгани, ҳатто одамларни уриб ўлдираётганини кўплаб аниқ мисоллар асосида ёзишмокда. Равшан Гапиров, Решит Музаффар, Шамсиддин Маҳмадалиевларга қарши ёзилаётган мақолаларда эса далил, ибот йўқ...

Қирғизистоннинг ўзини туркчи деб биладиган президенти ҳам бу нохуш ҳодисаларга панжа орасидан қарамокда. Шунинг учун Қурултой номидан А. Атамбаевга ҳам уни инсофга қақурувчи бир мактуб ёзишни тавсия этган бўлардим...

Бу сўзларни сўзламак, бир туркчи сифатида менга оғир. Афсуски, Туркистондаги бу аҳвол ҳақида бутун дунёда, шу жумладан, Туркияда ахборот жуда кам...

Туркистон туркийлари, ҳатто ўзларини туркийларга, туркчиликка мансублиги ҳақида сўзлаётган Жанубий Қозоғистонлик ўзбеклар ва қозоқларининг асосий қисми ҳам Жанубий Қирғизистонда хор-зор бўлган ўзбек туркийларига чин дилдан қайғураётганлари йўқ...

Бу ҳақиқатларни мумкин қадар билдирмок, аниқламок учун биз бир қозоқ орқадошимиз - Сейтбой Байдуллаев билан биргаликда айрим хайрсеварларнинг ёрдамига таяниб “Туркистон тонги”, «Turkistan tani» номли қозоқ ва ўзбек тилларида ёйинланадиган икки газета очдик.

Газетамизнинг шиори: “Миллат кўпдир Туркистонда, ери, суви, нони бир, Ватан битта, томир битта, демек улар қони бир!”

Биз газета таъсисчилари: Сейтбой Байдуллаев ва мен, Ўзбекистонга қарашли Чирчикда, чегарадош Ялламада,

Сайрам туманига қарашли Қизилқишлоқ, Пахтазарбдор, Ленгер худудларида қатта-кичик мажоролар бўлиб ўтганини, ҳар икки томон қучишлар тизимлари бу мажороларни оқилона бостиришганини яхши биламиз.

Шунинг учун ҳам авом ўзбеклару авом қозоқлар онгидаги “бу менинг ерим”, “у сенинг ватанинг” деган фикрни қувиб чиқармоғимиз, қадим Туркистондаги ҳамма қавмлар ва шу ерда яшаётган фуқароларнинг ери деган Инсонпарварлик ғоясини ёймоғимиз зарурдир.

Орзуимиз, ҳеч бўлмаса Туркистон ўзбеклари ва қозоқлари ўзларининг қон-қардошлигини англасинлар, бир-бирига қарши қурол ўқталмасинлар. Қатта мақсадимиз эса, Туркистон, Турон бирлигини қуриш йўлида ишламок, қимнинг қайси қавмдан эканлигига қарамасдан ҳоҳлаган жойида яшаш ҳуқуқига эга бўлган Европа Иттифоқига ўхшаш иттифокни қурмокдир...

Шу маънода биз Озарбайжонлик биродарларимизнинг Туркий миллатларнинг маънавий давлати қуриш

кераклиги ҳақидаги таклифларини қўллаб қувватлаймиз.

Шунингдек, Қозоғистон, Туркия, Қирғизистон Озарбайжон ҳукуматлари иштирокида тузилган ТуркПА (Турк парламент ассамблеяси) ва Турк Кенгаши (Турк С О Й) ташкилотларини ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Туркийларнинг ягона байроғи таъсис этилганини муборакбод этамиз.

Бу ташкилотлар йиғилишининг ўтган йилги мажлисида Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев Оқ денгиз ва Олтой оралиғида яшайдиган турклар бирлашса таъсирли бир давлат юзага келиши ҳақида гапирганди.

Бу йил эса, Туркия президенти Абдуллоҳ Гул етти давлат - бир миллат ғоясини илгари сурди. Биз Қозоғистон ва Туркия президентларининг бирлашув ҳақидаги ғояларини жон-танзимиз билан қўллаб қувватлаймиз.

Туркистондаги 4 ўлка билан бирга Озарбайжон, Туркия ва Қибриз бир бўлмоғи, улар федерация ёки конфедерация шаклида иктисодий, сиёсий алоқалар қилмоқлари лозим. Айни замонда, Туркской ташкилотининг алифбе бирлиги, тарих ва адабиёт бирлиги йўлидаги ишларига қўлимиздан келгунча ёрдам бермоғимиз зарур.

Ҳозир дунёда глобаллашув жараёни кетмокда. Аммо баъзи буюк кўшнилариимизнинг миллатчилари туркийларнинг бирлашишга қарши чикмоқдалар...

Эски совет ўлкалари Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларига осон эмаслигини, Ўзбекистон ва Туркменистон раҳабарияти буюк давлатлардан истиҳола қилароқ Турк бирлиги йўлидаги йиғилишларга қатнашмаётганларининг сабабини ҳам биламиз. Шу учун, улар халқнинг иродасига таянишлари лозимлигини эслатиб, Туркменистон ва Ўзбекистон президентларига қурултой номидан хат ёзмокни таклиф этмокчиман.

XX юз йиллик бошларида Туркистонлик адиб ва имом Бехбудий “Халқларимизнинг

маънавиятини юксалтмак учун зиёлилар ва зангинларнинг бирлиги зарур”, деган фикрни илгари сурганди.

Ўзбек, Турк, Озарбайжон ва бошқа туркийларнинг ишбилармонлари, бизнесменлари ичида миллардерлар, миллионерлар оз эмас. Улар кондош ва жондош қавмларни билаштириш, қон тўқилишини олдини олиш учун зиёлилар билан бирга мужодала этмоқлари ўта зарур.

Бизнинг бизнесменларимиз ўзлари кичкина халқ бўла туриб миллардлаб халқларни бошқараётган миллатлар ҳақида жўшиб сўлашади. Бу хил “бошқарув”лар зиёлилар ва ишбилармонлар бирлиги туфайли пайдо бўлишини ҳам сезишади. Аммо зангинлар зиёлиларни дастакламакка навбат келганда билганларини унутишади.

Ажабо, Нахотки, бизнинг тижоратчиларга. ишбилармонларимизга халқларимизнинг тинчлиги керак эмас!? Агар, худо кўрсатмасин, элда нотичлик бошланса биринчи навбатда уларининг жони ва молига ўт кетиши мумкинку, дея ҳайратланамиз...

Ноширлар ўзларига уч тўртта зиёли ва хайрпарваргина озми - кўпми ёрдам бераётганидан, ададни ва саҳифаларни кўпайтириш имконияти йўқлигидан ажабланишмокда.

Агар зангинлар ва зиёлилар бир бўлмаса ҳамма гапларимиз, шу жумладан, ўтказилаётган қурултойларимиз ҳам ҳавода қолажақдир.

Зотан, туркий ойдinлар ва зангинлар бир бўлса, газета ва журнал, радио ва телевидениедан бошқа ташкилий ишлар ҳам кўп.

Биринчи навбатда Туркистондаги тўрт республикада, Туркиянинг ўзида, Қибризда, Озарбайжонда марказлар очмок ва бу марказларда одамлар муттасил ишламоқлари керак...

Азиз қардошларим!

Бундан юз йил аввал бизнинг оталаримиз бирлашиш ғоясини майдонга ташлаган эдилар, орадан юз йил ўтди, аммо туркийлар бирлашмади. Бугун биз яна ўша ғояни илгари сурияпмиз.

Мен қўрқаманки, орадан яна юз йил кечиб мен каби оқ кийимлар кийган бир зиёли, бирлашайлик, деб даъват этиб турмасмикан!?

Ажабо, бирлашмок шунчалик қийинми? Турк бирлиги амалга ошмаса Озарбайжонликларнинг ҳам Ахсикалиларнинг ҳам, Туркистонликларнинг ҳам муаммолари охиригача ечилмаслигини нахотки англамасалар?!

Келажақда Туркистоннинг авом халқлари ўртасида (худди юқорида айтилганлар каби) жанжаллар қўпмаслигига ким қафолат беради?

2000 йилда “Жамият ва маърифат”да чиккан бир мақоламда “Туркий халқларнинг ойдinлари учун жонини фидо этишга арзийдиган бир муаммо бор, у ҳам бўлса, туркий бирлик йўлида қурашмокдир”, деб ёзгандим. Ҳозир ҳам шу гапимни такрорлашим мумкин.

Истагимиз эзгу: Туркистон турклари бир-бирини қирмасинлар, қадим Туронда, бутун дунёда турклар ва мусулмонлар бир-бирини ўлдирмасинлар!

Туркиялик журналист дўстимиз Исматуллоҳ Яссавий бир мақоласида “Мен ўлсам Турк бирлиги байроғини қафани қилинлар”, деб васият этган. Мен ҳам шу гапга қўшиламан. Зотан турк бирлиги байроғига ўралмок шарафлидир!

Эътиборларингиз учун кўпдан-кўп ташаккур!!!

Ботир НОРБ ОЙ.

14.09.2013.

Кинорежиссёр ва оператор Абдулазиз Маҳмуд халқимизнинг қатор номдор ёзувчи-олимларидан бугунги ҳаёт, адабиёт ҳақида фикрларини сўраган ва уларнинг гапларини видеотасмага туширган эди. Газетамизнинг 11- сонида биз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовдан, 16 сонида Учқун Назаровдан олинган суҳбатларнинг матнини чоп этган эдик. Ушбу сонда эса севимли ва исёнкор шоирамиз Гулчеҳра Нуриллаеванинг юрак сўзларини Сиз азиз ўқувчиларга ҳавола қилмоқдамиз.

Ҳеч ким ҳақиқатни айтолмайди, ҳақиқатни айтишдан қўрқади.

- Ўзимиз маънавият ҳақида гапира туриб, гапимизга амал қилмасак. Халқнинг бошига чиқиб, энди бу бир пода-да, каерга бошласак кетаверади-да, деб ўйласак - шунинг ўзи катта маънавиятсизликдир. Ҳозирги пайтда қайси соҳани олишингиздан қатъий назар, ҳамма жойда ҳақиқат ўлдирилган, менинг назаримда. Ҳеч ким ҳақиқатни айтолмайди, ҳақиқатни айтишдан қўрқади.

Аҳволимиз... маймунлар йиғлайдиган ҳолатдадир.

- Жадидларимиз бундан бир асрча олдин айтган гаплар, орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлсаям, бажарилмай келмоқда. Демак, ҳалиям халқимиз рўшноликка эришмапти, ҳалиям халқимиз ўзини ақл билан бошқарадиган одамларга эришмапти. Мана шу муаммолар ҳанузгача давом этаётган экан, демак, юк ҳалигача силжимасдан жойида турибди. Сув доимо олдинга қараб, янгиланиб оқади, биз эса, бир жойда қимирламай турибмиз, ҳатто, орқага кетганмиз.

Билмадим, ҳозирги қашшоқликни нима билан оқлаш мумкин, халқнинг ночор аҳволини нима билан оқлаш мумкин, эркин сўзнинг йўқлигини нима билан оқлаш мумкин, Ваҳоланки, биз нимага мустақиллик учун курашгандик, нима учун уни орзу қилгандик. Демак, мустақиллик халқнинг елкасига чиқиб олган кичик бир гуруҳ учун керак экан-ки, улар халқни чиройли шиорлар билан алдаган ҳолда ҳамон эскича, ўзининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда, бундан бир аср илгаригадек, бошқариб келмоқда.

Аслида аҳволимиз бундан бир аср илгари қандай бўлса, шундайлигича қолган, яъни, маймунлар йиғлайдиган ҳолатдадир.

Ҳақиқатни айтиши мумкин бўлган одамлар қувғинларга учраган...

- Маънавиятни ўз мақсадларига хизмат қилдириш учун, менинг назаримда, кўп гапиришяпти. Лекин, ҳақиқий маънавиятни, халққа хизмат қилиши керак бўлган маънавиятни уйғотиш учун ҳеч нарса қилинаётгани йўқ. Улар маънавиятни миллий дастурларнинг бошига қўйишди. Менинг ҳукуматдан сўрагим келади: нима учун қашшоқликни миллий дастурнинг бошига қўймаймиз, нима учун инсон ҳуқуқлари масаласини миллий дастурнинг бошига қўймаймиз, нима учун матбуотнинг эркин эмаслигини миллий дастурнинг бошига қўймаймиз, нима учун суд ва прокуратуранинг фаолиятини миллий дастурнинг бошига қўймаймиз.

Демак, шундай қилиш давлат тепасида турган кичик бир гуруҳ учун керак экан-ки, бундай муҳим нарсалардан бошқаларни чалғитаётир.

Ҳақиқатни гапириш маънавиятнинг биринчи ўриндаги талаби. Бизда эса, ҳақиқатни ҳеч ким айтолмайди. Ҳақиқатни айтиши мумкин бўлган одамлар четга суриб ташланган, ҳақиқатни айтиши мумкин бўлган одамлар қувғинларга учраган, ҳақиқатни айтиши мумкин бўлган одамлар қамокхоналарда. Афсус, минг афсус!

Ижодкор, ёзувчи, шоир халқнинг кўнглидагини айтишга масъул бўлган тоифа. Чунки, ҳукуматнинг куч ишлатиш салоҳиятига эга бўлган воситалари бор, суд, прокуратураси бор. Халқнинг нимаси бор?! Халқни ҳимоялаш ўрнига унинг елкасига миниб олган давлат ўзининг вазифасини бажармаса, халқ кимга суяниши керак. У шундай вазиятда зиёлиларга, шоир - ёзувчиларга суянмоғи мумкин, холос, мен шундай ўйлайман.

Оғзига кўринмас кулф солиб қўйди...

- Қандайдир лавозимлар билан, қандайдир мукофотлар билан, қандайдир орден - медаллар билан ҳукуматга сотилди кўплар.

Тўғрироғи, ҳукумат уларни сотиб олди ва уларнинг оғзига кўринмас кулф солиб қўйди. Бу кулфлар туфайли улар энди халқнинг дардини айтиш позициясида эмаслар, улар халқдан бутунлай узоклашиб кетишди. Мен бунга жуда ачинаман, ўзим ҳурмат қилган ижодкорларнинг халқдан жуда йироқлашганига, халқ билан уларнинг ўртасида жарлик пайдо бўлганига ниҳоятда афсусланаман.

Ҳалолга, ҳақиқатга, адолатга ҳеч қандай ўрин йўқ...

- Мен бир доно одамдан сўрадим-ки, нега мен бирон одамнинг кўчада осилиб турган мевасидан биттасини олсам, ўша куни менинг уйимдан камида минг сўм йўққа ё харомга чиқади. Булар эса, мамлакатни жар ёқасига келтириб қўйишди, нега буларни ҳеч нарса урмайди, нега булар жазоланмаяпти, десам, ўша доно одам айтди-ки, ҳалол бор жойдан харом қочади, харом бор жойдан эса, ҳалол қочади. Кўраяписизми, бизда харом ҳозир ҳаммаёқни шу даражада эгаллаб олган-ки, ҳалолга, ҳақиқатга, адолатга ҳеч қандай ўрин йўқ. Бу жамиятда ҳозир ўрин йўқ.

Ўйлайманки, илгари жадидлар қандай ўлдирилган, қамокларга ташланган бўлсалар ҳозирги уларнинг издошлари ҳам шундай жазоларга дучор қилинмоқда. “Эрк”чилар, “Бирлик”чилар ҳам ҳар томонлама тазйик ва қувғинларга маҳкум этилдилар.

Ҳеч нарса билан оқлаб, кечириб бўлмайди...

- Донолардан бири айтган экан-ки, сен гуноҳсизман, деб айтаяпсан, лекин, шунча нарсани кўриб, ҳеч нарса демадинг-ку, демак, гуноҳнинг катта бир қисмиям сенинг зиммангда. Ҳозир масъул кимсаларнинг бўлаётган адолатсизликларни, қотилликларни, ноҳақликларни, жаллодликларни кўриб туриб индамасликларини ҳеч нарса билан оқлаб, бундайларни кечириб бўлмайди.

Мен уларни зиёли, деб аташга ўйланиб қоламан...

- Зиёли, бу - зиёси бор одам, зиё эса, халққа тарқатилиши керак, халқнинг қалбини ёритиши керак, халқнинг бошида қуёш бўлиб порлаши керак. Ваҳоланки, шундай халққа йўналтирилган нури йўқ экан, уларни нима, деб аташни билмадим. Эҳтимол улар ўзларини зиёли, деб ҳисоблашар. Эҳтимол, халқимизнинг маълум тоифаси ҳам, бошқалар ҳам уларни зиёли ҳисоблашар... Лекин, шахсан, мен уларни зиёли, деб аташга ўйланиб қоламан.

Уларнинг ақли эзгуликка эмас, ёмонликка хизмат қилаяпти...

- Менинг назаримда, халқни сева билиш ҳам Оллоҳ томонидан берилган бир истеъдод-ки, давлатимиз тепасида турган раҳбарлар ана шу истеъдоддан маҳрумдирлар. Уларга Худо бундай истеъдодни бермаган. Уларда, аксинча, ўзларини ўйлаш истеъдоди, худбинлик истеъдоди устун. Мен баъзан ўйлаб қоламан: давлат тепасида ўтирган ўша одамлар аҳмоқ эмас, жудаям ақлли. Лекин, уларнинг ақли эзгуликка эмас, ёмонликка хизмат қилаяпти, қирғинларга хизмат қилаяпти, халқнинг ҳуқуқини поймол этишларга хизмат қилаяпти.

Тасаввуримга, кўпинча, СССР давридаги тузум, тўғрироғи, СССР давридаги тизим келади, Сталин вақтидаги тизим келади-ки, сабаби, ҳамма оғизлар беркилган, гапирадиган оғизларнинг эгалари йўқотишга маҳкум қилинган. Ҳозирги тизимга қараб туриб, СССРдаги сталинчиликни эслаймиз. Биз мустақилмиз, биз ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлга эгамиз, деган гаплар, шунчаки, бир никоб, халқнинг кўзига чиройли қилиб кўрсатиш учун никоб...

Мустақилликка оғизда-ю қоғоздагина эришибмиз...

- Бир пайтлари шофёрликка ўқиганимда бир одам айтиб қолди-ки, қани эди, мен машина ҳайдаётганимда теварак - атрофимда ўзим ва машинамдан бошқа ҳеч ким бўлмаса.

Бизнинг ҳозирги давлат бошлиқлари учун ҳам халқнинг ғамини



Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА,

ўйлайдиганлар шундай ортикча бўлиб қолдилар. Биз эндиликда билдик-ки, биз мустақилликка оғизда-ю қоғоздагина эришибмиз, амалда мустақилликка эришмабмиз. Негаки, бизнинг халқимиз илгаригидан ҳам қашшоқ, илгаригидан нотавон, илгаригидан ҳам бечора.

Ўғирланган юртнинг холи шу!

- Ўзбекистон шундай бир жар ёқасига олиб келиб қўйилган-ки, унинг эртаси қандай бўлишини мен тасаввур қилолмайман. Агарда, ҳақиқий муҳолифатга йўл берилмас экан, унинг эртасини тасаввур қилиш қийин. Шу кунгача эса, йўл берилгани йўқ!

Яхшиси, мен бир шеър ёзган эдим, шу шеърни ўқиб, бугунги мулоқотимизга нуқта қўя қолсак. Бу шеър бугунги кун ҳақида, Ўзбекистоннинг бугуни ҳақида:

Ўғирланди ёзнинг гул иси,
Оқ қишларнинг яраклашлари.
Ўғирланди юзлар қулгуси,
Нигоҳларнинг чарақлашлари.

Ўғирланди меҳрли сўзлар,
Мулозимат, саломлар, ҳатто!
Етти ётга айландик бизлар,
О, бу - хато, шайтоний хато!

Гўзал эди - ҳаёлар парда,
Бир - бировга меҳр тутишлар.
Урф энди кўча - кўйларда,
Танимасга ўхшаб ўтишлар.

Умидларга ёприлди шира,
Оловларга айланди қўшиқ.
Йиғлашингдан наф йўқ, Гулчеҳра,
Ўғирланган юртнинг холи шу!



ЭНДИГИ ОРЗУИМИЗ ҚУЛ КАБИ ҚАРАМ БЎЛМАСЛИК...



92 ёшли шоир, носир ва драматург Шукрулло эрк ва озодлик ҳақида шеър ёзгани учун Сталин лагерларида умрининг бир қисмини ўтказган. 1949 йилда Шукрулло Совет ҳукуматига қарши, Ўзбекистонни СССРдан ажратиш ҳақида шеър ёзганлик айби билан ГУЛАГ қамоқларига ташланган. Шоир ўз миллатдошларининг ҳар томонлама эркин бўлишини орзу қилишини айтади.

- Орзуимиз ҳамиша

озодлик, эркинлик. Мана энди озодлик деймиз мустақиллик деймиз. Худога шукур мустақилликка эришдик. Эндиги орзуимиз бировни бировга қарам бўлмаслиги. Ўзимизни қадримизни билишимиз керак. Биз инсон сифатида киммиз, қадр-қимматимиз борми, эркин инсон бўлдикми, ўз ҳуқуқини қўлга олган инсон бўлдикми? Мана шу саволларга жавоб топилишини орзу қиламан. Мана биз мустақилмиз. Эртага мустақиллик байрами. Эркин одам дегани қамоқдаги одам дегани эмаску ахир. Совет конституциясида ҳам кишилар эркин дейилган эди. Аммо ўша пайтдаям ҳукуматга қарам эдик.

Ёзувчи, Озодлик билан суҳбатда, бугунги ўзбек зиёлиларига қарата “қўрқманг”, деган муждани саслантирди.

- 9 том китобим чиқаяпти. Ҳаммаси совет даврида ёзилган. Энди ўша вақтда ҳам ўз виждони билан, ўз виждонига эрк бериб ёзиш мумкин экан. Қўрқмасдан Худога ишониб. Лекин биз шуни қилмаганмиз. Биз қилиб, ўша қамоқни ҳам кўрдик. Қамоқдан қайтгандан кейин ҳам виждонимизни сотмадик. Энди бу одамнинг эътиқодига ҳам боғлиқ. Эътиқод мустаҳкам бўлиши керак инсонда, имон мустаҳкам бўлиши керак. Халқ, миллат, ватан манфаатидан бошқа

ҳеч қанақа қонун бўлмаслиги керак. Қонун шу. Миллат, ватан, халқ манфаати. Мана шунга амал қилиш керак. Айниқса, ёзувчиларимиз, айниқса, зиёлиларимиз. Бировнинг оғзига қараб, бировдан манфаат кутиб яшамаслик керак,- дейди Сталин қатағонларини ўз бошидан кечирган ёзувчи Шукрулло.

Суҳбатдошимиз ўзи устидан КГБга (СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси) ёзилган ва унинг қамалиши учун асос бўлган ҳужжатларни қўлга киритганини айтади.

Шукруллонинг айтишича, шоир Темура Фаттоҳ (ЎзССР гимни муаллифи-тахр), шоир Асқад Мухтор ва ёзувчи Саид

Аҳмаднинг чақув хатларини асос қилган маҳкама уни қамоққа ҳукм қилган.

Чақув хатида Шукрулло Ўзбекистонни эркин бўлишини орзу қилганликда айбланади. Тақдир тақозоси билан Шукруллони “Совет ҳукумати душмани”, деб кўрсатма берган ёзувчи Саид Аҳмадга атаб Ўзбекистон ҳукумати тарафидан 2013 йил июл ойида Тошкент марказида ҳайкал ўрнатилди.

Бу ҳолат суҳбатдошларимиз Отаназар Орипов, Шукрулло ва Вячеслав Охуновлар таъкидича, мустақиллик ва эркинликни орзу қилганлар камситилаётган мамлакат нишонасидир

ЎЛИМГА ТИК БОҚАР ОҚИННИНГ КЎЗИ...



ХАЗОН ЯПРОҚЛАРИ

Хазон япроқларин шопириб шамол,
Кўтариб кетмоқда аллақайёққа.
Ватандан воз кечган муҳожир мисол,
Сарғайиб учади бош оққан ёққа.

Шошасиз қайёққа, хазон япроқлар?
Ғурбатда шод бўлмас, дейдилар ғариб,
Ватандан айрида ёниб юраклар,
Шамоллашдан ҳатто қолармиш оғриб.

Ҳиқилдоқда жони, сўрашса ҳужжат,
Кўринга тешикка паналар бошин,
“Террор”чи деб ногоҳ қилишса тўхмат,
Отаси ҳам артмас, кўздаги ёшин.

Кимсасиз далада қолса жасади,
Йўқловчи топиш ҳам келади малол,
Эркинлик олгани ўзга тупроқдан,
Нажот истаб борар, бир япроқ мисол.

Хазон япроқларин шопириб шамол,
Кўтариб кетмоқда аллақайёққа...

ЎЗБЕК

Не балолар кечиб қора бошидан,
Кун тиғида кунсиз мурғак ёшидан.
Кўлмак денгиз бўлиб кўзин ёшидан,
Бошини муштлайди, мардикор ўзбек!

Хуррият “офтоби” тегиб бошига,
Одам чидаёлмас, кўзин ёшига,
Кимлар заҳар солди, ҳалол ошига?
Бошини муштлайди, мардикор ўзбек!

Кўзида аримас, ташвишу ғами,
Бўғзида тикилмиш, дарду алами,
Дардин айтай деса, кесилар дами,
Бошини муштлайди, мардикор ўзбек!

Топганин ташийди, оҳ, боламга, деб,
Ўзи нону чойин паналарда еб,
Тўқ эмас, оч қолган пайти бўлар кўп,
Бошини муштлайди, мардикор ўзбек!

Ўзига бек бўлса, бўлмасди дайди.
Халқимиз ўзини ўзи алдайди!?
Бекликка муносиб бўлганда балки,
Бошин муштламасди, мардикор ўзбек!

ҲАҚ СЎЗНИ АЙТСА ГАР...

Қуруқ сафсатадан бўлмайсан безор,
Ёлғон-яшиғингдан чексанг ҳам озор,
Тор уйингни ҳатто қилсанг ҳам бозор,
Ҳақиқат кўнгилда, тўлғанар бедор.

Ташвишлар тугамас, чеки йўқ, нечун?
Узун кунлар қисқа тун бўлса узун,
Бормикин даврангга бир бағри бутун,
“Мен” деганинг ҳатто жигар бағри хун,

Нафсининг домига тушгансан асир,
Кўзларинг очиғу қалбингдир басир,
Бошга тегмаса тош, бари бетаъсир,
Ёзганларинг пучдир, назмми, наср!

Ўзни ҳам алдайсан, санаб зўр шоир,
Гап айта олдингми, даврингга доир,
Тик туришга ҳатто бўлмасанг, қодир,
Сени қутқарарми чет эллик ботир!?

Рост, эгилган бошни кесмайди қилич,
Лекин “шувлаши”, бор мисли бир хивич.
Хивичдан қўрмагин, тик тут бошингни,
Қалбингни босмасин гумону қўрқинч.

“Бир бошга бир ўлим”, ботирлар сўзи.
Ўлимга тик боқар оқиннинг кўзи.
Ҳақ сўзни айтса гар ҳар қандай шоир.
Халқ олдида ёруғ бўлгуси юзи!

ЖУРЪАТ

(Устозимиз Ирисали Жуманов хотирасига)

Шоир кетди, ортидан, милтирайди чироғи,
Олиб кетди кўксида ўчмас дарднинг кўр, чўғин,

Қанча орзу умидлар, ушалмасдан қолдилар.
Боқиб қай бир бурчақдан, мунғайишиб сўлдилар.

Қанча шоир боши ҳам, ҳақин талаб этолмас,
Тош қотганча луқмаси, кўкайдан ўтолмас.

Қирқта шоир шеър ғамин биргалашиб тортолмас,
Эл ғамини Журъатдек, меники, деб айтолмас.

Ҳеч ким ўзин қўрқоққа санагиси келмайди,
«Андиша», деб ўзини юпатишдан қолмайди.

Бош кўтариб майдонга, тушса агар бирон мард,
Ўзин тортиб панага ахтаришар ундан гард.

Қовун бўлса бемаза, мингта эмиш уруғи,
«Манман»ликдан ўтаолмас, тарқоқ элнинг улуғи,

Бу «дон»ларнинг тўқидан кўп экан-а, пучлари,
Мен Журъатни мақтасам, ёниб кетар ичлари.

Ўзим бўлай, деган эр, қолармиди пойгақда,
Эҳ-ҳе, Оташ, «номус», «ор», билсанг
бугун чўнтақда.

Шоир кетди, ким қолди, ҳар кимнинг ўз ташвиши,
Қаро кийса ҳақиқат, кезар эмиш миш-миши.

Бизда булбул, тўтиқуш, қарганинг йўқ суръати,
Ижод аҳли сукутда, етишмайди Журъати.

Баҳодир ОТАШ

ОМОН РАЖАБ

БОБОМАКОНДА

Учиб борар Кобулга икки чопар,
Амирга иккиси икки хат элтар.
Бирин Анвар юборган,
Ўзгасин – Бек,
Улар бир-бирла
кенгаш қилмагандек.
Хар икки хатда ҳам кутлуг
хабар бор:
Қўшинига – бугун улкан
зафар ёр!
Амирнинг муждадан
қайнар қувончи –
Чопарларга ёпади тўн – суюнчи!
Ўзи шод боладай қувнар
ва яйрар,
Ўзи ёш боладай сакрар ва ўйнар.
Беҳуд ёндошларин
тортар кучокка,
Қисар, суркар бетин хар
бир ёнокка.
Кейин тизза чўкиб, бокиб
самога,
Юрак сўзин ёниб айтар Худога:
-Шукур минг кур сенга

Тангри таалло!
Яна эддинг менга
меҳрингни савго!
Бирок эслар экан хатлар адогин,
Юрагига инади совук эпкин:
Дер Иброҳим: -
Тез қайтинг ватанга!
Бирок Анвар деган: -
барвақт унга!
Дилида ўрмалар шубҳа чаёни,
Чакар ичдан хадеб –
титрайди жони:
«Кими – ҳақ сўзни айтар,
кими – ёлгон?
Нечун бирга эмас
икки қўмондон?
Ғазабдан муштуми тўқмоқ
бўлар, ох!
Илож топса, бориб сўқмоқ
бўлар, ох!
Лекин имкон қани
сўрмоқка – не ҳол,
Дилин тирнаб ётар шубҳа
ажаб зол.
Наҳот, Бек Иброҳим
қилса хиёнат?
Наҳот, Анвар дили
истар ҳуқумат?»
Кейин ўзга келар: «Ўз ихтиёри –
Ахир, қайтиш ё
қайтмаслик қарори!»
Дили таскин топар. Айлайди
фармон:



«Мукофотга сазовор
хар қўмондон!»
Етар тўй-тантаналар авжида бот,
Олий фармон билан

юзлаб мукофот,
Этиб зўр дабада,
мисли Олимхон
Келиб қолди Кобулдан
даста аён.
Шу он кўрбошиларни
этдилар жам,
Бири сўзга чиқиб
сўзлайди ихчам:
-Салом сизга буюк олампаноҳдан
-Мўминларнинг
амири қиблагохдан!
Зафарингиз эшитиб,
бўлди масрур,
Ва сизларга юборди
кўп ташаккур!
Юборди сизга юксак эҳтиромлар,
Юборди сизга кўп
инъом, саломлар!
Тегар кўрбошиларга
катта тортиқ,
Бари тортиқ эди шоҳона, тансиқ.
Юборибди амир Бекка зўр эҳсон,
Бир олтинпўш низомий

тўн ва Куръон!
Лек Анвар номига
йўллабди фармон:
У – ислом лашкарига
бош қўмондон!
Бутун кўрбошилар олдида шул он
Амирнинг буйруғи айланди эълон.
Кувонди барча дер:
«Маъкул! Тасанно!»
Лекин ўзгарди Иброҳимда авзо,
Юрагида кўтарди қаҳри тугён,
Юрагида алами қилди исён.
Гўё портлайди ҳозир ўтли вулқон,
Ғурури лек уни ушлайди чакқон!
Гўёки топталиб кетди жаҳони,
Ичида тўлғониб ётди фиғони:
-Яна амир мени паст айлади, паст,
Этиб келгиндини
юксак, забардаст!
Ахир, мен-ку мудом
кон ичра юрган,
Бухоро шавкати деб ўтга қирган?!
Ахир, мен-ку ўрис зотини қирган,
Ватан туроғидан узокка сурган?!
Ахир, менман унга содиқлик
этган,
Ажалнинг оғзига
халқимни элтган?!
Бу эл менга ишониб бирга юрди,
Бу эл менга ишониб жангга кирди!
Демасми энди
«Шулни топаннинг шон?
Амир этмабди сени
бош қўмондон!»
Алам тирнар юракни – акси бетда
Бек Анвардан олар ўзини четга!
Генерал қўнгли тез авзони сезди,
Ўқинчдай келди
бир ҳис – қалбин эзди:
-Намунча кўп севар
мардум амални?
Амал келтиргудай дилга ҳамални.
Ахир, у – бизни биздан ажратувчи,
Ахир, у – сизни сиздан ажратувчи!
У – кофир, дилга
чорлар кибру кекни!
У – кофир, алдамоқда энди Бекни!
Бу ерда мен учун мансаб керакмас,
Фақат бурчимни
соз этсам адо, бас!
Амал гар этса
ҳам жамларга бошлиқ,
Бирок этмайди ҳеч дилни қуёшлик!
Ватан дардин кучиб
кезган замонлар
Юз очганди унга турли жаҳонлар.

Юз очганди қулиб Эрон, Ироқлар,
Озарда – боғлару
Кавказда – тоғлар.
Ва кўрди Кавказолдининг сиёгин,
Ва сайр этди Бухоронинг кучоғин.
У ерлардан топар кўп дўсту ўртоқ,
Гўё эрди келар йўлига мушток.
Бари зор интилар юксак муродга
– Ватанни яшнатар зўр иттиҳодга!

*** **
Чакирди бир қуни қошига Султон
– Буюк Турк юртида мутлак ҳукмрон,
Мусулмон оламига ғамхўр инсон,
Сўраб холин, берар
шоҳона фармон:
-Бухоро қасдига элтмиш
ўрис жанг,
Бухоро халқининг этмиш
холин танг.
Амир Афғон сари мажбур
кетибди,
У ердан «ога» деб мактуб
битибди.
Сўраб биздан жадал
харбий кўмакни,
Муносиб топмадим
сендан бўлакни!



Хазинадан ол олтин
қанча даркор!
Зобитларни йиғиб,
Афғон сари бор!
Бухорога суюк ҳамдам зарурдир,
Бухорога буюк ёрдам зарурдир!
Оғалик айламакка келди
бир пайт,
Кофирларни қувиб, юртга
омон қайт!
Ота янглиғ олиб Султон оғушига,
Берар ёруғ дуолар хайру хушда.
*** **
Шуларни эслади ногоҳ Анвар,
Кириб ёғду,
этар қалбин мунаввар.
Кетар қочиб дилидан сур хаёллар
– Тиник ўйлар келар очиб жамоллар.
Ўзин ҳеч
нени билмасдек тутарди,
Мудом Бекка ўзин яқин этарди.
Бекам кўрмас эди
Анварда нуксон:
-Гуноҳимми амир этса қўмондон?
Юришди сўнгра
ҳеч гап бўлмагандек,
Улуғ йўлда бўлиб дўст
Анвару Бек.

ҚОР БАҒРИНИ
ЁРИБ ЧИҚҚАН ГҲҮЛ
Қароргоҳда – туну кун
ишласа ҳам,
Қарамларни низомда
ушласа ҳам,
Юборса ҳам йўрик
кўплаб томонга,
Юбориб турса ҳам хат Афғонга,
Хабар етказса ҳам тез-тез амирга:

Нечук ахвол қўшинда,
ҳам бу ерда,
«Ўзим шахсан кўрай»
деб хар замонда
Чикарди гоҳ Кўктош, гоҳ Ёвонга,
Ўтарди гоҳ Данғара томонга,

Асар илк бор босилмоқда

Гоҳо – Кўлоб,
Ховалинг, Балжувонга.
Кезиб чикди
чўлу сахрою даштни,
Кезиб чикди баланд-паст
тоғу тошни.
Кўрар турли улусу элларни,
Кўрар турли хаёту ҳолларни.
Кўрар: бунда ажаб кўп
боғу роғлар,
Бирок кўпида йўқ хаттоки
зоғлар.
Эгалари қочиб Афғонга кетган –
Қочокларин шоғоллар
маскан этган.
Генералнинг дилига қўнди
қайғу:
-Кофирлар жангининг
қасофати бу!
Эди январ. Олам қор
ичра буткул.
Бирок қор ёнида кўп қорақошгул
Чиройли киз каби
яшнаб турарди,
Гўё қорни назардан қочиради.
Уни кўриб қувонди роса Анвар,
Ажойиб ҳис-ла ёнди
роса Анвар.

-Қаранг мўъжизасин!
Тенгсиз Бирубор
Баҳорини юборган,
ёғса ҳам қор!
Тушиб отдан, узиб,
қўйди дудокка,
Сарин хуш хид учиб
кирди димокка.
Вужуди яйради, чакнар қароғи,
Қувончидан қизил икки ёноғи.
Юрагида ажаб ҳис тўлганарди –
Генерал ёш гўдакка айланарди.
Гўдак янглиғ елишни
истар эрди,
Елиб, гуллар теришни
истар эрди.
-Худоё! Ёвни тез юртдан сургин,
Кучоғига баҳорингни юборган!
Шу гуллардан териб
ёримга элтай,
Нажибамнинг дилин
мамнун айлай!

Бу хил гул
кўрмадим ҳеч гулзорда!
Бу гул ўсгай
фақат ушбу диёрда!
*** **
Генерал энди бўлди
роса масъул,
Туну кун қалби,
фикри ўй ишга машғул.
Йиғиб «ўртоқ»ларидан
ахборотлар,
Олиб айғоқларидан
маълумотлар,
Улаб тонг этагига кечаларни,
Тузиб чикқай
ажойиб режаларни.
Харита устидан
кетмайди яккаш,
Этар кўрбошилари
бирла кенгаш.
Хар оқшомда
ўтувчи машваратлар
Берар юз турли
фиқру маслаҳатлар.
Барини ўлчабон
мезон – тафаккур

Олар дурдонасин,
гар кўпга манзур.

Яна толмай, ўтириб
хафта-хафта,
Режаларни кўради қайта-қайта.

Солар таҳлилга
руслар иктидорин,
Аён айлаш учун
тутқич қарорин.
Улар қай вақт,
не куч бирла етишин,
Қаёқлардан, нечук
ҳамла етишин.
Нима қилмоқ керак?
Соз қай йўриғи?
Ғанимлар шаштининг
бўлсак тўсиғи?
Қириб, тепиб,
улоқтирмоқ олисга,
Ғолиблик бермасак асло ўрисга?
Бугун бизга етар
жангчи юраклар,
Яроқлар бор.
Лекин йўқ энг керақлар.
Нечун йўқдир
Ҳинд ёқдан дараклар –
Етиб келмайди
ваъда замбараклар?
Қани Афғон қани Эрон қўмағи?



Қани ингилиси олмон қўмағи?
Неча одам юбордик,
бердик олтин,
Нечун дарров адо
этмаслар аҳдин?
Ахир, руслар яна қайтиб келади,
Ҳали эрта улуг жанглар бўлади!
Улуғ жангга улуг
шайлик кўриш – шарт!
Улуғ ёвни улуглардай
уриш – шарт!
*** **
Эди ислом қўшини
қирқ минг сон,
Бари – жангда
чиниккан ботир инсон!
Бирок зобитлари – кам.
Йўқ билимлик!
Очар мактаб
тайёрлаш-чун илмлик!
Уларга дарс берар
туркий зобитлар,
Улардан дарс олар
юзлаб йигитлар.
Бериб харб илмини



барчасига,
Қўмондон деб
тайинлар дастасига.
*** **
Қизир хар ёнда
харбий машғулотлар –
Ўқ отиш, найзабозлик.
Елгай отлар.
Қиличбозлик қилар
тинмасдан эрлар –
Қилични қайтарар,
«душман»ни сермар.
Қўшинлар машқини
қўриб генерал,
Ниҳоят шод бўлар:
«Топмоқда сайқал!»
Юзида мавж урар тоза табассум,
Севинч тошиб,
тепар юраги «гумм-гум».
Қошига «қучч!»
дея келгандай орзу,
Қўзида қақнагай чакмоқ ва ёғду.

давоми бор

Туркистон
Тонги
Ижтимоий-сиёсий, илмий,
адабий - публицистик газета

Бош муҳаррир

Раҳимтой
Бегалиев

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бахтиёр Исабеков, Раҳимтой
Бегалиев, Малик Мансур,
Ўринбой Усмон, Фарҳодхон
Мухтаров, Иброҳим Туркий,
Долимжон Сайфуллаев

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимоқ
микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587, 87013108136.

Мулк эгаси: Якка тадбиркор «С.Байдуллаев».
Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги,
Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот
агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли,
2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «М-press» босмаҳонаси
(Шыкмент ш. Байтурсунов-18) да чоп этилди.Буюртма №.
Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси.
Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри
билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси
қонунлари билан ҳимояланган.

3.Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни
мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро
дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб,
саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид
қиламиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар
«Туркистон Тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.